



Ўзбекистон Миллий банки  
National Bank of Uzbekistan

Йиллик ҳисобот  
**2010**  
Annual Report



*Central Asian scholars and scientists have been developing and promoting science since the ancient times. Achievements of those who worked in ancient Khorezm, Bukhara, Merv and Samarkand have not only outrun science of other peoples but anticipated subsequent achievements of the European science, particularly astronomy.*

*Works of Al-Khorezmi, Beruni, Ibn-Cino, Muhammad Naciraddin Tuii, Ulughbek have greatly influenced upon the development of astronomy.*

*'The Star Tables', the catalogue comprising exact positions of 1018 stars in the skies, is the most remarkable work by the great scientist Ulughbek. For a long time, this catalogue has been the most complete and precise one; the European astronomers have been republishing it even two centuries later. No less exact were the Samarkand tables of planet movements.*


*Ulughbek built a grand observatory in Samarkand. There have never and nowhere been such large and well equipped observatories neither before Ulughbek nor long after him.*

*Possessing the largest and the most perfect instruments possible for production that time, Ulughbek achieved such precision in his observation that remained unchallenged for one and a half century after him.*

*Today all people got used to anything; they will even not be surprised by launching of one more earth-satellite or space vehicle to the Moon. Detailed celestial maps of the skies, Moon, planets of the solar system and many other things have been made. However, many centuries of studies and research have been needed to run such a path.*

*All said above brings us to the conclusion that development of the astronomical conceptions is a rich and wonderful topic raising interest of the people at all times; such interest is no less high today in the 21st century than two thousand years ago.*

*Besides its major activity aimed at the development and strengthening of the economy of the country, the National Bank significantly contributes to the development of the national arts, science and culture. This publication of the National Bank's Annual Report within the general topical line of the 'Ulughbek's Stars' is our tribute to the invaluable contribution of the great scientists, Oriental astronomers that have kept ahead of their time, and in many respects predetermined tremendous development of modern astronomy.*





## *Йиллик ҳисобот тузилиши:*

<b>1. БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ КИРИШ СЎЗИ</b>	<b>8</b>
<b>2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ</b>	<b>12</b>
<b>3. БАНК 2010 ЙИЛДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ</b>	<b>20</b>
<b>4. БАНК ХАЛҚАРО САҲНАДА</b>	<b>28</b>
<b>5. КОРПОРАТИВ БАНК</b>	<b>36</b>
Филиаллар тармоғи	36
Кредит фаолияти	38
Лойиҳаларни молиялаш	39
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш	40
<b>6. ЧАКАНА БАНК</b>	<b>46</b>
Омонат операциялари	46
Пластик карточкалар	49
<b>7. ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ</b>	<b>58</b>
<b>8. БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ</b>	<b>66</b>
<b>9. БАНК ХОДИМЛАРИ</b>	<b>70</b>
<b>10. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ</b>	<b>74</b>
<b>11. 2011 ЙИЛ УЧУН ВАЗИФАЛАР</b>	<b>78</b>
<b>12. АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ</b>	<b>82</b>



## *Annual Report Structure:*

<b>1. FOREWORD OF THE CHAIRMAN OF THE BOARD</b>	<b>8</b>
<b>2. BASIC RESULTS OF THE ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN 2010</b>	<b>12</b>
<b>3. BASIC PERFORMANCE RESULTS OF THE BANK IN 2010</b>	<b>20</b>
<b>4. BANK IN THE INTERNATIONAL ARENA</b>	<b>28</b>
<b>5. CORPORATE BANKING</b>	<b>36</b>
Branch network	36
Lending activity	37
Project financing	39
Lending of small and private businesses	40
<b>6. RETAIL BANKING</b>	<b>46</b>
Deposit operations	46
Plastic cards	49
<b>7. INVESTMENT BANKING</b>	<b>58</b>
<b>8. DEVELOPMENT OF BANKING TECHNOLOGIES</b>	<b>66</b>
<b>9. BANK'S PERSONNEL</b>	<b>70</b>
<b>10. FINE ARTS GALLERY</b>	<b>74</b>
<b>11. CHALLENGES FOR 2011</b>	<b>78</b>
<b>12. AUDITOR'S OPINION</b>	<b>82</b>



**БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ КИРИШ СЎЗИ**

**FOREWORD OF THE CHAIRMAN OF THE BOARD**



## Қадрли мижозлар ва ҳамкорлар!

Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мамлакатимиз замонавий банк тизимининг тенгдоши ҳисобланади. Бу тизим ўтган давр мобайнида бир қанча ўзгаришларни бошдан кечирди, ўзининг қарор топиши билан боғлиқ турли босқичларда юзага келган кўплаб қийинчиликларни енгиб ўтди.

Миллий банк ташкил топганидан буён ўтган 19 йил ичида у мамлакат молия тизимининг энг йирик ва нуфузли вакилларида бири сифатида мустаҳкам мавқени эгаллади.

Ўз фаолияти йилларида Миллий банк иқтисодиётни мустаҳкамлаш борасидаги мушкул вазифаларни ҳал этишда ишончлилик, барқарорлик ва билимдонлик намуналарини кўрсатди. Миллий банк ҳақли равишда ишончли шерик сифатида обрў қозонганлиги ҳам шундан далолат беради.

Миллий банк бизнинг мамлакатимиздагина эмас, чет давлатларда ҳам тан олинган. Хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни изчил ривожлантириб келаётган Миллий банк Ўзбекистон Республикаси халқаро молия ҳамжамиятига қўшилишига фаол ёрдамлашмоқда. Банк ўз шерикларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликка бўлган иқтисодий қизиқишларини тезкорлик билан аниқлаб, бу қизиқишни ўз ихтиёридаги воситалар ёрдамида кўллаб-қувватлашга интиляпти.

Ҳозирда Миллий банк бир қанча халқаро рейтингларга эга. Миллий банкка Moody's ва Standard & Poor's каби халқаро рейтинг агентликларининг рейтинглари "Барқарор" прогнози билан берилган ва тасдиқланган. Бу эса, мазкур банк мамлакат учун хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда бошқаришда, халқаро савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатишда пешқадамлик қилаётганлигини намойиш этади.

Ўзининг стратегик вазифаларини муваффақиятли амалга ошираётган Миллий банк мамлакатда амалий фаоллик ўсишида, инвестиция салоҳияти ортишида ёрдам берадиган, ишончли, барқарор ривожланувчи, рентабелли миллий банклар тизими шаклланишига кўмаклашиб келяпти.

Шуни қувонч билан таъкидламоқчиманки, Миллий банк кўрсатилаётган хизматларни ривожлантириш, такомиллаштириш ва сифатини ошириш йўналишида фаол иш олиб бораёпти. Иқтисодий ўсиш борасида катта имкониятларга эга бўлган, иқтисодиётнинг муҳим сегменти ҳисобланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбир-

## Dear Clients and Partners,

Today we can literally say that the National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan is the age mate of the modern banking system of our country that experienced a number of transformations during these years, overcame many difficulties emerging at different stages of its formation.

During 19 years that have passed since its establishment, the National Bank occupied the stable position of one of the largest and authoritative representatives of the domestic financial system.

In the course of the years of its existence, the National Bank displayed the example of reliability, stability and competence in the resolution of difficult tasks of strengthening of the economy. Its deserved reputation of a reliable partner is a good evidence of this.

The National Bank has been recognized not only in our country but abroad as well. By the consistent development of cooperation with foreign banks and International Finance Institutes, the National Bank actively assists integration of the Republic of Uzbekistan with the international financial community. The Bank operatively seeks and supports the economic interests of its partners to cooperation with Uzbekistan with all funds on hand.

Today, the National Bank has a number of international ratings. Such international rating agencies like Moody's and Standard & Poor's awarded the National Bank with the forecast "Stable"; this reflects its dominating role in the attraction and management of foreign investments for the country and servicing of the international trading operations.

The National Bank successfully implements its strategic tasks and assists formation of the reliable, steadily developing efficient national banking system promoting growth of business activity in the country and enhancement of its investment capacity.

We are pleased to mention that the National Bank actively works in the field of development, improvement and quality enhancement of the rendered services. It is extremely important that particular attention is paid to the lending of small business and entrepreneurship as an important segment of the economy containing significant capacity of the economic growth. Along with this, it carries out financing of key sectors of the national economy that favorably affects the entire economy and social sector of the country.

Another strategic direction of National Bank's activity is its support of measures on modernization of the existing and introduction of new high-performance productions, creation and development of import-substitution productions of consumer





корликни кредитлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ғоят муҳимдир. Айни пайтда, миллий иқтисодийнинг асосий тармоқлари молияланмоқда. Зеро, биринчи навбатда шу тармоқлар ривожлантирилиши мамлакатнинг бутун иқтисодиёти ва ижтимоий секторига яхши таъсир кўрсатади.

Ишлаб турган корхоналарни модернизициялаш ва юксак самарали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашё ресурслари асосида импорт ўрнини босувчи истеъмолмоллари ишлаб чиқарадиган корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш ҳам Миллий банк фаолиятининг стратегик йўналиши ҳисобланади. Бунда мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқарувчилар Банкнинг асосий қарз олувчилари бўлмоқда.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида ҳар йили Банк томонидан ишлаб чиқиладиган сиёсат унинг бу йўналишдаги фаолиятининг асосий мақсадлари ҳамда стратегиясини белгилаб беради.

Миллий банк томонидан кўрсатилаётган 70дан ортиқ турдаги чакана хизматларнинг кенг доираси миллий ва хорижий валюталардаги депозитларни жалб этиш, сўм ҳамда халқаро пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш, хорижий валютадаги пул жўнатмалари, валюта айирбошлаш операцияларини бажариш каби ва бошқа кўплаб хизматларни ўз ичига олади.

Ҳозирги вақтда мамлакат банк тизими қанчалик кўпроқ ривожланса, у қарор топиши ва ривожланишидаги Миллий банкнинг тарихий аҳамияти шунчалик яққолроқ кўринапти. Ўтган 19 йил мобайнида Банк кўп ютуқларга эришишга ва мўлжалдаги режаларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Мазкур ёш мамлакат молия бозорининг ҳозирги замон тарихи учун профессионал маҳоратнинг муносиб кўрсаткичи, ишончлилик ва ишонч кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Мижозлар сони йил сайин кўпайиб бораётганлиги ҳам Банкнинг обрўси тўхтовсиз ортаётганидан далолат беради.

Миллий банк Республиканинг энг йирик банки сифатида бундан буён ҳам мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган ўз молиявий сиёсатини юритади.

Бошқарув номидан ва шахсан ўз номидан Банк мижозлари ва ҳамкорларига уларнинг мадади, ишончи ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Хурмат билан,  
**Бошқарув Раиси**  
**С.Раҳимов**



goods based on the processing of local raw materials. In this case the large domestic producers become the main borrowers of the Bank.

Annually worked out retail services development policy defines basic objectives and strategy of the Bank in this direction.

The National Bank offers a wide range of retail services - over 70 types - including attraction of the deposits in terms of national and foreign currencies, issue in circulation and servicing of Soum and International plastic cards, foreign currency money transfers, implementation of foreign exchange operations and many others.

The history is not aware of the subjunctive mood, but nevertheless, the more developed becomes the domestic banking system, the more plainly is seen the historical role played by the National Bank in its formation and development. During 19 years, the Bank could achieve much and implement the forthcoming plans. For the modern history of the domestic financial market, this age is a worthy indicator of the professional skill, reliability and confidence. The year-to-year increase of clients number speaks for its constantly growing authority.

As the largest bank of the Republic, the National Bank will continue to implement its financial policy aimed at the strengthening of the economic capacity of the country

On behalf of the Board and myself, I would like to express appreciation to all clients and partners of the Bank for their support, confidence and mutually rewarding cooperation.

Sincerely yours,



**S. Rakhimov**  
**Chairman of the Board**





## 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожланишининг асосий яқунлари

Бугун, агар жаҳон иқтисодиётидаги аҳволни таҳлил қилсак, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳануз яқун топмаган, деб айтиш учун тўлиқ асос борлигини кўрамиз. Қабул қилинаётган барча чораларга қарамай, ҳозирча жаҳон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларига эришиши йўлида бирон бир жиддий кадам ташлангани кўринмаяпти.

Инқироз йилларида кўпгина давлатлар айниқса молия-банк секторини қутқариб қолиш учун иқтисодиётга ғоят катта маблағларни олиб киришга мажбур бўлдилар. Бу эса, ўз навбатида айниқса ривожланган мамлакатларда давлат бюджетидаги улкан тақчилликларни ва давлат қарзини келтириб чиқарди, молиявий дисбалансларни вужудга келтирди. Конвертацияланадиган асосий жаҳон валюталарининг беқарорлиги жиддий ташвиш уйғотмоқда. Зеро бу ҳолат мазкур валюталарга бўлган ишончга, биринчи навбатда ривожланаётган мамлакатларнинг ишончига жиддий путур етказмоқда.

Мамлакат 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг яқунларини баҳолаётган эканмиз, Ўзбекистон иқтисодиёти юқори суръатлар билан барқарор ўсганлиги ва макро-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам мувозанатга эгаллигини таъкидлаб ўтишимиз зарур. Мамлакат раҳбарияти танлаган иқтисодий ривожланиш модели тўғрилиги ҳамда асосли эканини ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқлади. Мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва пухта тадрижий дастури принциплари шу модель асосида амалга оширилиши эса, жаҳон бозоридаги инқироз, ўзгаришлар ва инжиқликлар мамлакат иқтисодиётига, молия ва банк тизимига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирни анча камайтириш имконини берди.

2010 йил яқунларига кўра, ЯИМ ўсиши суръатлари 8,5%ни ташкил этди. Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,3% миқдоридаги профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси эса 7,3%ни ташкил қилди.

Ўзбекистон иқтисодиётида юз бераётган таркибий ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойик.

Агар ўн йил аввал – 2000 йилда sanoatning мамлакат ЯИМдаги улуши атиги 14,2%ни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб

## Basic results of the economic development of the Republic of Uzbekistan in 2010

Today, while revising the matters in the world economy, there is every reason to believe that the world financial and economic crisis is far from completion. Despite all undertaken measures, there is not any noticeable serious progress in the transition of the world economy to the steady growth rates.

During the years of crisis, many states had to inject huge assets in the economy especially for rescuing their financial-and-banking sector. This, in its turn, has brought in high deficits in the State Budgets, state debts and created financial misbalances, particularly in the developed countries. Exchange rate volatility of the major hard currencies of the world raises serious concern, first and foremost, of the developing countries.

While summing up social and economic development results of the country in 2010, it is worth mentioning steady consistence of high growth rates and macroeconomic equilibrium of the economy. The life itself once again underlines correctness and substantiality of the economic development model taken by the leadership of the country. Implementation on its basis of the principles of deeply thought-out and weighted evolutionary program of reformation and modernization of the country allowed significantly mitigate the impact of the crisis, fluctuations and market's perversity on the economy of the country, its financial and banking systems.

Upon the performance results of 2010, the GDP growth rate made up 8.5%. The State Budget was executed with the positive balance equal to 0.3% of the GDP and the inflation rate of 7.3%.

Particular attention should be attached to the structural shifts happening in the economy of Uzbekistan.

If ten years ago, in 2000, industry in country's GDP made up only 14.2%, in 2010 this indicator reached 24%; share of transportation and communications made up 7.7% and 12.4% respectively; share of services grew from 37% to 49%. The weight of agriculture reduced from 30.1% to 17.5%; this happened against the background of high growth rates of agricultural produce that in 2010 made up 6.8% and increased, compared with 2000, by 1.8 times.

In the GDP structure broken down by property forms, 81.7% of the total volume falls on the non-state sector of the economy (in 2009 – 81.3%), 18.3% – on the state sector (in 2009 - 18.7 %).



бу кўрсаткич 24%га етди, транспорт ва алоқа тармоғининг улуши тегишлича 7,7% ва 12,4% бўлди, хизматлар улуши 37%дан 49%га чиқди. Қишлоқ хўжалигининг киёсий салмоғи 30,1%дан 17,5%гача қискарди. Ҳолбуки, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ўсиши суръатлари катта бўлди. Бу кўрсаткич 2010 йилда 6,8%ни ташкил қилди ва 2000 йилдагига нисбатан 1,8 баравар ўсди.

ЯИМ таркибида мулкчилик шакллари бўйича умумий ҳажмининг 81,7% иқтисодиётнинг нодавлат секторига (2009 йилда – 81,3%), 18,3% давлат секторига (2009 йилда 18,7%) тўғри келади.

Тармоқлар бўйича олганда корхоналар ва ташкилотларнинг энг кўп қисми (фермер хўжалиқларисиз) савдо ҳамда умумий овқатланиш соҳасида (рўйхатдан ўтган корхоналар умумий миқдорининг 26,9%), қишлоқ хўжалигида (20,1%), саноат соҳасида (12,5%) ва қурилиш тармоғида (7,9%) рўйхатга олинган.

Рўйхатдан ўтган корхоналар умумий миқдоридида мулкчиликнинг нодавлат шаклига мансуб корхоналар улуши 92,2%ни, шу жумладан фермер ва деҳқон хўжалиқлари 51,6%, хусусий корхоналар 21,2%, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар 0,9%, акциядорлик жамиятлари 0,2%, бошқа корхоналар 18,3%ни ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ортанлиги катта ютуқ бўлди. Агар 2000 йилда ЯИМнинг қарийб 31% иқтисодиётнинг мазкур сектори улушига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 52,5%га чиқди. Кичик корхоналар ва микрофирмалар улуши 2010 йил январь-декабрь ойларида 32,7%ни ташкил этди. Ваҳоланки, 2009 йилнинг шу даврида мазкур кўрсаткич 31,2% эди.

2010 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 6568,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди (республика умумий саноат маҳсулотининг 19,6%), 1774,3 млн. АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди (экспорт умумий ҳажмининг 13,6%), импорт ҳажми эса 3223,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди (жами импортнинг 36,6%).

Кичик тадбиркорлик хусусий секторидида ишловчилар сони 7995 минг кишини ёки шу соҳада ишловчилар умумий миқдорининг 92,5%ни ташкил этди.


Breakdown by sectors shows that the greatest number of enterprises and organizations (without farms) were registered in trade and catering (26.9% of the total number of registered enterprises), in agriculture (20.1%), in industry (12.5%) and in construction (7.9%).

In total number of registered enterprises, the share of non-state-owned enterprises made up 92.2%, of which 51.6% are farming and dehqan entities, 21.2% – private enterprises, 0.9% – enterprises involving foreign capital, 0.2% – joint-stock companies, 18.3% – other enterprises.


Growth of the share of small business and private entrepreneurship in the GDP and its role in the economic development of the country turned out to be a great achievement. If in 2000, this sector's share of the economy made up about 31% of the GDP, in 2010 – 52.5%. In January-December 2010, share of small enterprises and micro firms made up 32.7% against 31.2% at the same period in 2009.

In 2010, small business entities produced industrial products for 6568.8 billion Soum (19.6% of the entire Republican output); exported produce made up USD 1774.3 million (13.6% of total volume of exports), imported products made up USD 3223.7 million (36.6% of the entire import).

The number of the employed in the private sector of small entrepreneurship made up 7995 thousand people or 92.5% of the total number of the employed in this sector.



**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши (умумий ҳажмга нисбатан %да)**  
Share of small entrepreneurship in total output (works and services) by the economic sectors (% of the total volume)



14

Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни диверсификациялаш бўйича олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Чунончи, 2010 йилда саноат ишлаб чиқариши тузилишида қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулот улуши 50%дан ошди. 2010 йилда республика саноат корхоналари 160дан ортиқ янги турдаги товарлар ва маҳсулотларни ўзлаштирди.

11262,8 млрд. сўмлик истеъмол моллари, шу жумладан 4710,9 млрд. сўмлик озиқ-овқат моллари, 6551,9 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 2010 йилда 15810,7 млрд. сўмни ёки 2009 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 106,8%ни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш таркибида деҳқон хўжаликларининг улуши 62,9%, фермер хўжаликлари 35,0% ва қишлоқ хўжалиги корхоналари улуши 2,1% бўлди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1076та лойиҳа амалга оширилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 барабар ўсди, импорт ўрнини босишнинг ҳисобланган самараси 3,4 млрд. АҚШ долларини

Special attention should be paid to the work done on the diversification of the outputs produced in the country.

Thus in 2010, share of finished products with high added value in the industrial production structure made up over 50%. In 2010, the Republican enterprises mastered over 160 new kinds of goods and products.

Consumer goods were produced for 11262.8 billion Soum, of which foodstuffs made up 4710.9 billion Soum, non-foodstuffs – 6551.9 billion Soum. Volume of gross agricultural output in January-December 2010 made up 15810.7 billion Soum or 106.8% against the respective period of 2009.

In the structure of gross agricultural output, the share of dehqan entities made up 62.9%, farms – 35.0, agricultural enterprises – 2.1%.

Within the Localization Program, 1 076 projects were implemented; volume of the localized produce grew by 1.4 times, calculated effect of import-substitution made up USD 3.4 billion, i.e. by over 1.2 times higher than in 2009.


Cooperation links between the enterprises are strengthening; small enterprises and private business entities are becoming wider and wider involved into this process.

The foreign trade and payment balances significantly strengthened in 2010.



### Республика ташқи савдосида МДХ мамлакатлари ва бошқа мамлакатларнинг 2010 йилдаги қийсий салмоғи (%)

Weight of the CIS and other countries in the foreign trade of the Republic in 2010 (%)



ташқил этди. Бу эса, 2009 йилдагига нисбатан 1,2 баравар кўпдир.

Корхоналар орасидаги кооперация алоқалари мустақамланаяпти, кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари бу жараёнга тобора кенгрок жалб этилмоқда.

2010 йилда ташқи савдо ва тўлов баланслари анча мустақамланди.

Ташқи савдо айланмаси 2010 йилнинг январь-декабрь ойларида 21844,2 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДХ мамлакатлари бўйича 9424,6 млн. АҚШ долларини ва бошқа мамлакатлар бўйича 12419,6 млн. АҚШ долларини ташқил этди. Бунда ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмида 13044,5 млн. АҚШ доллари экспорт операцияларига, 8799,7 млн. АҚШ доллари импорт операцияларига тўғри келди.

Давом этиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспорт умумий ҳажми 10,8% ошди. Импорт ўрнини экспорт қоплаши ҳажми 148,2%ни ташқил этди. Ҳолбуки, мазкур кўрсаткич 2009 йилнинг тегишли даврида 124,7% эди.

Ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 1,8 баравар ўсиб, 4,2 млрд. АҚШ долларини ташқил этди. Тегишлича, мамлакатнинг олтин-валюта резервлари кўпайди.

The foreign trade turnover for January-December 2010 totaled USD 21844.2 million, of which USD 9424.6 million relates to the CIS countries and USD 12419.6 million - to other countries. Along with this, the total volume of the foreign trade turnover comprised USD 13044.5 million of export operations and USD 8799.7 million of import operations.

In the conditions of the continuing world financial-and-banking crisis, gross volume of export grew by 10.8%. Percentage of import coverage by export made up 148.2% against 124.7% compared with the respective period of 2009.

The positive balance of the foreign trade balance sheet grew by 1.8 times and made up USD 4.2 billion. Gold and foreign exchange reserves of the country have correspondingly increased.



Республикада қулай инвестиция муҳити вужудга келтирилгани таркибий ўзгаришларни тезлаштирувчи бош омил бўлди.

2010 йил январь-декабрь ойларида бутун Республика бўйича асосий сармоёга йўналтирилган инвестициялар доллар эквивалентида 9,7 млрд. АҚШ доллари ҳажмида ёки 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 113,6% қилиб ўзлаштирилди.

Айни пайтда, инвестицияларнинг қарийб 72% ишлаб чиқариш қурилишига, шу жумладан тахминан 38% ускуналар ва илғор технологияларни сотиб олишга йўналтирилди. Қўйилмалар умумий ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8%ни ташкил этди, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳажми эса 22,4 млрд. АҚШ долларида ошди.

Шуниси муҳим аҳамиятга эгаки, молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми эквивалентда 3,6 млрд. АҚШ долларида ошди ёки 2010 йилда барча капитал қўйилмаларнинг 37,5%ни ташкил этди.

Умуман, Инвестиция дастури доирасида 2010 йил мобайнида 200дан зиёд лойиҳани амалга ошириш яқунланди. “Навоий” эркин индустриал-иктисодий зонаси ҳудудида, хорижий инвесторлар билан битимлар доирасида 19та инвестиция лойиҳаси амалга оширила бошланди. Шундан ҳозирги вақтда жаҳон бозорида харидоргир бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи 7та қорхона ишга туширилди.

Барқарор макроиктисодий ривожланиш шароитида мамлакат банк тизими унинг иқтисодиётида тобора муҳимроқ аҳамият касб этмоқда. Ўтган йил давомида мамлакат молия-банк тизимининг ликвидлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

2010 йилда тижорат банкларининг жами сармоёси 36% ўсди. Сармоё етарлилиги даражаси 23%га етказилди. Бу эса, умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баравар кўп. Фақат 2010 йилнинг ўзида депозитлар ҳажми 1,5 баравардан ортиқ кўпайди.

Ҳозирги кунда мамлакатнинг 15та тижорат банкига “Фитч Рейтингс”, “Moody’s” ва “Standart & Poor’s” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” рейтинглари берилган.

Creation of the favorable investment climate in the Republic served the main acceleration factor of structural transformations.

In January-December 2010, the fixed capital investments utilized in bulk throughout the Republic in terms of USD equivalent made up USD 9.7 billion or 113.6% compared with the same period of 2009.

Along with this, about 72% of the investments were directed to the industrial construction, of which about 38% for the purchases of the equipment and progressive technologies. The share of foreign investments and loans in the gross investment volume made up 28.8%, and the volume of foreign direct investments exceeded USD 2.4 billion.

It is very important that the volume of the investments directed to technical and technological refurbishment from all financing sources made up the equivalent exceeding USD 3.6 billion or 37.5% of total capital investments in 2010.

On the whole, in 2010, within the framework of the Investment Program, implementation of 200 projects was completed. Within the framework of the agreements with foreign investors, the Bank started implementation of 19 investment projects which put into operation 7 enterprises manufacturing modern products demanded by the world market in the territory of the free industrial-and-economic zone ‘Navoi’.

In the conditions of stable macroeconomic development, the domestic banking system plays the more and more important role in the economy of the country. During the past year, great work was carried out on further strengthening of liquidity and growth of the stability of the financial-and-banking system of the country.

Total capital of the commercial banks grew by 36%. The achieved level of capital adequacy of 23% is by 3 times higher than the generally accepted international standards. Only in 2010, the volume of the deposits grew by over 1.5 times.

So far, 15 commercial banks of the country have been rated as “stable” by the leading rating international agencies: ‘Fitch Ratings’, ‘Moody’s’ and ‘Standard&Poor’s’.

Positive changes are taking place in the lending and investment activity of banks. In 2010, the total volume of credits directed to the real sector of the economy grew by 35%.

Credit portfolio structure undergoes qualitative changes. The share of long-term investment










**БАНК 2010 ЙИЛДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТНИНГ  
АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ**

**BASIC PERFORMANCE RESULTS OF THE BANK IN 2010**

ARGO

NAVIS.





### Банк 2010 йилда олиб борган фаолиятнинг асосий яқунлари

Ҳозир Банк мамлакат молия бозорида етакчилик мавқеини ушлаб турибди. Катта ресурс базаси, сармоя ва активлар Миллий банкка йирик ва узоқ муддатли кредитлар бериш, халқаро молия бозорида барқарор мавқени сақлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш имконини бераёпти.

Миллий банк унинг зиммасига мамлакат раҳбарияти томонидан юкланган масъулиятли вазифани бажариб, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни қўллаб-қувватлаш учун хорижий инвестицияларни жалб этишда, юқори сифатли замонавий банк хизматларининг кенг доирасини тақдим этишда фаол қатнашмоқда.

Мамлакат раҳбарияти қўйган вазифаларни амалга ошириш учун Банк ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда янги қувватларни ишга тушириш борасидаги лойиҳаларни молиялаб, катта куч-ғайрат сарфламоқда.

Миллий банкнинг молиявий қўмагини олган инвестиция лойиҳалари миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларини таркибан чуқур қайта қуришда қатнашаёпти.

Мижозлар базаси барқарор ўсиб бораётганлиги ҳам Миллий банк танлаган сиёсатнинг тўғрилигини тасдиқламоқда. Чунончи, 2009 йилда мижозлар сони 1 945 256тани ташкил этган

### Basic performance results of the Bank in 2010

Today, the Bank continues to hold leading positions in the financial market of the country. Significant resource base, capital and assets allow the National Bank to render large and long-term credits, occupy stable positions in the international financial market and attract foreign investments.

Accomplishing the responsible mission vested upon it by the leadership of the country, the National Bank actively participates in the attraction of foreign investments for supporting export and import-substituting productions and rendering the wide range of modern high quality services.


To accomplish the tasks set up by the leadership of the country, the Bank takes much effort to finance projects on reconstruction, technical and technological refurbishment of the existing manufacturing facilities and commissioning of new capacities.

Investment projects financially supported by the National Bank participate in the deep structural reconstruction of many branches of national economy.

Stable growth of the clientele base proves correctness of the policy chosen by the National Bank. Thus, the number of clients increased from 1 945256 in 2009 to 2 374500 in 2010.

By the results of 2010, the absolute amount of the Bank's consolidated balance sheet (in terms of the equivalent to the national currency) made up 9 314 billion Soum. By the reporting date, volume of credit portfolio (in terms of the equivalent to the





бўлса, 2010 йилда улар сони 2 374 500тага етди.

Банкнинг жамлама баланси (миллий валюта эквивалентида) 2010 йил якунларига кўра мутлақ суммада 9 314 млрд. сўми ташкил этди. Кредит портфелининг ҳажми (миллий валюта эквивалентида) ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра 3672,2 млрд. сўм бўлди.

Миллий банкнинг миллий валюта – сўмдаги жамлама баланси 2005 йилдан 2010 йил охиригача ўтган даврда 4 114 млрд. сўм ёки 2,4 баравар кўпайди. 2010 йил натижаларига кўра, жамлама баланс ҳажми 2009 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 2 463 млрд. сўм ёки 54% кўп бўлди.

Миллий банкнинг миллий валюта – сўмдаги сармояси (субординацияланган облигацияларни ҳам ҳисобга олганда) 2005 йилдан 2010 йил охиригача бўлган даврда 341 млрд. сўм ёки 73% кўпайди. Устига устак, 2010 йилда сармоя ўсиши 21%ни ташкил этди.

Юксак капиталлашув туфайли Миллий банк ўз мижозлари базасини кенгайтириш учун катта резервга эга бўлиб турибди (сармоя адекватлиги кўрсаткичи 2010 йилда 25,4%ни ташкил этди. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг норматив талаби бўйича бу кўрсаткич камида 10% бўлиши керак эди).

#### Активлар ва пасивларни бошқариш

Активлар ва пасивларни бошқаришнинг асосий вазифаси ташқи муҳит ҳамда активлар

(national currency) made up 3 672.2 billion Soum.

Consolidated balance of the National Bank in terms of the equivalent to the national currency for the period from 2005 to 2010 grew by 4 114 billion Soum or by 2.4 times. Volume of the consolidated balance by the results of 2010 settled higher than 2009 year indicator by 2 463 billion Soum or by 54%.

From 2005 to 2010, National Bank's capital in terms of the equivalent to the national currency - Soum (including subordinated bonds) increased by 341 billion Soum or by 73%; at that capital growth for 2010 made up 21%.

Thanks to high capitalization (capital adequacy ratio for 2010 made up 25.4% when the normative requirement of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan is no less than 10%), the National Bank keeps a significant reserve for the expansion of its clientele base.

#### Asset and liability management

The main task of asset and liability management is to ensure fulfillment of the strategic purposes by means of the management methods and risk controls generated by the external environment and asset and liability structure.

The basic goal of the asset and liability policy conducted by the Bank is satisfaction of the demand of any client with high quality and reliability banking services, custody of deposits and investments in the economy, promotion of the economic development of

ва пассивлар тузилишига боғлиқ равишда ҳосил бўладиган хатарларни бошқариш усуллари ёрдамида стратегик мақсадлар бажарилишини таъминлашдан иборат.

Активлар ва пассивларни бошқариш бўйича Банк олиб бораётган сиёсатнинг бош мақсади ҳар бир миқдорнинг юқори сифатли банк хизматларига бўлган эҳтиёжи қондирилишини ва ишончликни таъминлаш; омонатларни жамғариш ва иқтисодиётга инвестициялаш; Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда қўмаклашиш; хатарнинг йўл қўйиш мумкин бўлган даражасини сақлаб турган ҳолда маблағлар жойлаштирилишидан олинадиган даромадларни қўпайтириш ва мақбуллаштириш; банк активлари ва пассивлари тузилиши муддатлар бўйича мувозанатда туришига эришиш; пул оқимларининг барча эҳтиёжларини қоплаш учун зарур даражадаги ликвидликни таъминлаш; барқарор молиявий натижага эришишдан иборатдир.

Банк қўйилган мақсадларга қуйидаги йўللар билан эришмоқда:

-Банкнинг актив операциялари ўсишига адекват тарзда сармоя базасини ўстириш;

-Мижозларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш;

-Стандарт технологиялар билан ҳар бир миқдорга индивидуал ёндашув уйғунлигига асосланган миқдор билан ишлаш мафқурасини такомиллаштириш;

-Мижозлар базасини кенгайтириш;

-Операциялар рентабеллиги ҳамда бозордаги шарт-шароитни баҳолаш асосида фойза тариф сиёсатларини ҳаётга тадбиқ этиш;

-Банк баланси тузилишини ресурслар муддатлари ва қиймати бўйича мувозанатда сақлаб туриш;

-Замонавий, бизнес миқдори ва мураккаблигига адекват бўлган ҳамда халқаро стандартларга жавоб берадиган бошқарув тизимини такомиллаштириш;

-Алоҳида операцияларни бажаришда ҳам, бутун Банк бизнесини юритишда ҳам хатарнинг йўл қўйиш мумкин бўлган оқилона даражасини аниқлаш ҳамда сақлаб туриш;

-Мижозлар ишончи, тарих, анъаналар ва хизмат кўрсатиш тажрибаси каби рақобат афзалликларидан самарали фойдаланиш;

-Ресурсларни тезкор қайта тақсимлаш ҳамда қўп филиалли миқдорларга комплекс хизмат кўрсатиш имкониятлари;

the Republic of Uzbekistan, accumulation and optimization of the returns on the placed assets preconditioned by the admitted risk level, matching of Bank's assets and liabilities by maturities, provision of the requested liquidity level to cover all needs of the cash flows and achievement of the stable financial result.

The Bank is achieving the setup goals thanks to:

- The accumulation of the capital base adequate to the growth of active operations of the Bank;

- Protection of client's interests;

- Improvement of the ideology of working with the clients based on the combination of standard technologies with the individual approach to any client;

- Expansion of the clientele base;

- Implementation of the tariff and interest rate policy based on the efficiency of the operations and assessment of market conditions.

- Maintenance of Bank's balance sheet structure matched by maturity and cost of the resources;

- Improvement of modern management system adequate to the range and complexity of business and compliance with the international standards;

- Determination and maintenance of the rationally admitted risk level in carrying out both single operations and Bank's business on the whole;

- Effective utilization of such competitive advantages like client's confidence, history, traditions and service experience;

- Opportunity of the operative redistribution of the resources and complex servicing of multi-profile clients;

- Compliance with the norms established by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan, including provision of capital adequacy and current liquidity;

- Maximization of the returns received by the Bank in the course of asset/liability operations;

- Provision of further growth of Bank's balance and etc.


Percentage structure of the National Bank's assets as of 2010 is presented in the following graph (see page 23).

Significant weight in the assets structure falls on the lending operations - 51% of the entire net assets of the Bank. The Bank renders the all-round support to the processes of modernization, technical and technological refurbishment, first and foremost, of the base branches of the economy, encourages development of small and private business entities; sector of services and cottage industry, as well as ensures



**2010 йил натижалари бўйича Миллий банк активларининг фойз ҳисобидаги тузилиши қуйидаги графикда келтирилган**

Percentage structure of the National Bank's assets as of 2010 is presented in the following graph



-Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган нормативларга мувофиқлик, шу жумладан сармоя адекватлиги ва жорий ликвидликни таъминлаш;

-Актив-пассив операциялар бажарилаётганда Банк оладиган даромадларни максималлаштириш;

-Банк баланси янада ўсишини таъминлаш ва ҳ.к.

Активлар таркибида кредит операциялари катта қиёсий салмоққа эга. Улар банкнинг барча соф активларининг 51%ни ташкил қилди. Банк биринчи навбатда иқтисодиётнинг бутун базавий тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини кредитлар билан ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаси тармоқлари ривожланишини рағбатлантираётган, шунингдек минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари кредитлар билан қўллаб-қувватланишини таъминламоқда.

Банк балансининг ликвид ҳолатини таъминловчи пул маблағлари ва улар эквивалентларининг қиёсий салмоғи 28%ни ташкил қилмоқда.

Ҳам ички, ҳам халқаро пул бозорларида депозитларни жойлаштириш ишлари мамлакатлар, банклар ва банк маҳсулотлари учун белгиланган лимитлар доирасида амалга ошириляпти.

Инвестициялар ва қимматли қоғозларга қўйилмалар 8%ни ташкил этди.

Банкка тегишли асосий маблағлар

credit support of the programs of social-economic development of the regions and the like.

Weight of the monetary assets and their equivalents ensuring liquidity of the Bank's balance sheet makes up 28%.

Placement of the deposits both in the domestic and foreign money markets is implemented within the established limits of risk for countries, banks and bank products.

Placements in the investments and securities make up 8%.

Share of fixed assets and other property of the Bank in the total structure of assets made up 1%.

One of the factors characterizing quality of the National Bank activity is bank's own capital adequacy ratio. Following the national standards, Tier I capital and total capital adequacy ratios are higher than the requested minimum value (5% and 10% respectively), and during the period from 2005 to 2010 constituted (see page 24).

Percentage structure of the National Bank's liabilities as of 2010 is shown in the following graph (see page 25).

Peculiarity of Bank's liability structure accounts for its role of the agent of the Republican Government on the attraction of foreign investments and loans in the economy of Uzbekistan. Share of foreign bank's loans makes up 18% of the total liabilities of the Bank. In the liabilities structure, share of clients funds makes up 38%, including deposits of the population - 5%; loans payable - 16%, securities issued by the Bank - 2%; CB RUz and Government's assets - 3%; credit organizations - 3%; capital - 11%.

The following measures are implemented to optimize liability management: opening of credit

	2005	2006	2007	2008	2009	2010
<b>1-даражали сармоя етарлилиги кўрсаткичи (%)</b> Tire I Capital Adequacy Ratio (%)	34,2	32,5	29,9	28,8	23,6	23,9
<b>Умумий сармоя етарлилиги кўрсаткичи (%)</b> Total Capital Adequacy Ratio (%)	29,0	31,2	29,2	27,8	10,8	25,4

ва бошқа мол-мулкнинг активлар умумий таркибидаги улуши 1%га тенг.

Банкнинг ўз сармоёси етарлилиги кўрсаткичи Миллий банк фаолиятининг сифатини тавсифловчи омиллардан биридир. Миллий стандартларга кўра 1-даражали сармоя ва умумий сармоя етарлилиги кўрсаткичлари зарур энг кам кўрсаткичдан (тегишлича 5% ва 10%) ортик бўлиб, 2005 йилдан 2010 йил охиригача ўтган даврда қуйидагича бўлди (жадвалга қаранг).

2010 йил натижаларига кўра Миллий банк пасивларининг тузилиши қуйидаги графикда фоиз ҳисобида келтирилган (25 бетда).

Банк пасивлари тузилишининг ўзига хослиги Миллий банк Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва қарзларни жалб этиш бўйича Республика Ҳукуматининг агенти вазифасини бажариши билан боғлиқдир. Хорижий банклар кредитлари улушига Банк умумий пасивларининг 18% тўғри келади. Пассивлар тузилишида мижозлар маблағларининг улуши 38%ни, шу жумладан аҳоли омонатлари 5%, тўланиши керак бўлган қарзлар 16%, Банк чиқарган қимматли қоғозлар 2%, Ўзмарказбанк ва Ҳукумат маблағлари 3%, кредит ташкилотларининг маблағлари 3%, сармоя 11%ни ташкил этади.

Пассивлар бошқарилишини мақбуллаштириш мақсадида қуйидаги чоралардан фойдаланилмоқда: ликвид позицияни сақлаб туриш учун контрагент банклар томонидан Миллий банкка кредит йўналишлари очиш; ресурс базасини жойлаштириш муддатларига мувофиқ бўлган жалб этиш муддатлари бўйича диверсификациялаш; ўргача қолдиқ барқарорлигини ҳамда маблағлар ўрнашиб қолиши даражасини аниқлаш учун коэффицентлар тизими орқали мижозлар маблағларини таҳлил қилиш ва х.к.

Активлар ва пасивларни бошқариш Банкнинг баҳо сиёсати билан чамбарчас боғлиқ. Бу сиёсат самарали фаолиятни таъминлаш,

lines for the Bank by their counter-agents to maintain its liquid position; diversification of the resource base by the attractive terms matching the respective placement terms; analysis of clients assets through the system of ratios defining sustainability of the average balance and settlement level of assets, and so on.

Asset and liability management goes hand in hand with the pricing policy of the Bank that plays one of the decisive roles in ensuring effective activity, maintenance of the optimum equilibrium between liquidity and profitability providing general economic stability; it is one of the determining factors of the attractiveness of banking products for the clients of the Bank.

Decisions on the sizes of base deposit and credit interest rates are taken on the basis of business-plans considering macroeconomic factors.

Management of assets and liabilities, their interest rate sensitivity providing adequate level of the interest margin, is one of the most important instruments of Bank's balance sheet management.

When considering issues of assets placement, in addition to development plans, the Bank takes into account regulatory requirements of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan.

Moreover, the Bank is guided by its own systems of establishment and control of risk limits in such areas like limits per one loan borrower and group of interrelated borrowers, for correspondent banks, for money and currency market operations, trade finance, for operations with state bonds, for trade and investment portfolios, for open foreign currency positions and so on.


The National Bank keeps the economic norms set up by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan at the requested level.





**2010 йил натижаларига кўра Миллий банк пасивларининг тузилиши қуйидаги графикда фоиз ҳисобида келтирилган**

Percentage structure of the National Bank's liabilities as of 2010 is shown in the following graph



фойдалилик билан ликвидлик орасидаги энг мақбул балансни сақлаб туришда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб, у умумиктисодий барқарорликни таъминлайди, банк маҳсулотлари унинг мижозлари учун жозибадор бўлишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.


Бизнес-режа асосида, макроектисодий омиллар ва бозор шароитини ҳисобга олган ҳолда, депозит омонатлари ва кредитлар бўйича базавий фоиз ставкаларининг миқдорлари ҳақида қарорлар қабул қилинади.

Фоизли маржанинг етарли даражасини таъминлайдиган тарзда активлар ва пасивларни, улар фоизларининг таъсирчанлигини бошқариш Банк балансини бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Маблағларни ишга солиш масалалари кўриб чиқилаётганда Банк, ривожланиш режаларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тартибга солувчи талабларини ҳам эътиборга олади.

Бундан ташқари, Банк ўз фаолиятида ўзининг бир қарз олувчи ва ўзаро дахлдор қарз олувчилар гуруҳи ҳамда вакил банклар учун лимитлар, пул ва валюта бозорларидаги операциялар лимитлари, савдони молиялаш лимити, давлат облигациялари билан операциялар, савдо ва инвестиция портфеллари бўйича лимитлар, очик валюта позициялари каби ва бошқа соҳалардаги хатар лимитларини белгилаш ва назорат қилиш тизимларига таянади.

Миллий банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки талаблари орқали белгиланган иқтисодий нормативларни зарур даражада сақлаб туради.






**БАНК ХАЛҚАРО САҲНАДА**

**BANK IN THE INTERNATIONAL ARENA**





### Банк халқаро сахнада

Республиканинг ташқи алоқалари жўшқин ривожланаётган бир пайтда халқаро ҳамкорлик амалиёти муваффақиятли олиб борилаётгани шарофати билан Миллий банк кўплаб халқаро банк муассасалари, турли мамлакатлар ҳамда минтақаларнинг ҳукумат ва жамоат ташкилотлари учун ишончли молиявий шерик сифатида халқаро сахнада мустаҳкам обрў қозонди.


Халқаро молия муассасалари билан

### Bank in the international arena

In the light of the dynamic development of the Republican foreign relations, and thanks to the successful practices of international cooperation, the National Bank occupied a stable position in the international arena as a reliable financial partner for many international banking institutes, government and public organizations in many countries and regions.

Within the framework of cooperation with the international finance institutes, the Bank carries out the work on further strengthening of its positions





хамкорлик доирасида Банк томонидан Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ), Хитой Давлат тараққиёт банки (ХДТБ), Корея Экспорт-импорт банки (Корея Эксимбанки), Ислом Тараққиёт банки (ИТБ), Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC), шунингдек ШХТ Банклараро бирлашмаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ишлари олиб борилаяпти.

1993 йилдан буён Миллий банк “The Banker” нашри томонидан ҳар йили эълон қилинадиган жаҳоннинг 1000та энг йирик банклари рейтингига кириб келмоқда. Хорижий

with the Asian Development Bank (ADB), State Development Bank of China (SDBC), Export-Import Bank of Korea (Eximbank of Korea), Islamic Development Bank (IDB), Japanese Bank of International Cooperation (JBIC), Interbank Association of SOC.

Since 1993, the National Bank has been rated among the Top 1000 largest banks of the world annually published by ‘The Banker’. In the course of cooperation with its foreign partners, the National Bank has established links with the financial and banking circles of China, Korea, countries of the Middle East, Western and Eastern Europe.

шериклар билан ҳамкорлик давомида Миллий банк Хитой, Корея, Яқин Шарқ, Ғарбий ва Шарқий Европа банк-молия доиралари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатди.

Банкнинг вакиллик тармоғи мақбул-лаштирилгани хорижий банклар билан алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, мазкур вакиллик тармоғи жами 657та банкни ўз ичига олган бўлса, шулардан 627таси жаҳоннинг 75 мамлакатига мансуб хорижий банклар ва 30таси Ўзбекистон банкларидир.

Кўплаб ҳукумат комиссияларининг аъзоси ҳисобланувчи Миллий банк Республика иқтисодиётига хорижий банклар ва молия муассасаларининг маблағларини жалб этиш, банклараро операцияларни такомиллаштириш, хорижий банклар билан ҳамкорликнинг янги йўналишларини ривожлантириш каби ва бошқа масалаларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш олиб боради.

Чунончи, 2010 йилда Банк томонидан кўплаб икки томонлама битимлар ва меморандумлар имзоланди. Бу эса, банклар ҳамда молия муассасалари билан ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини кенгайтириш, минтақавий ҳамкорлик доирасида экспорт ва импортга доир савдо операцияларини қўллаб-қувватлаш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш, мамлакатимизда кадрлар малакасини оширишда кўмаклашиш имконини берди. Хусусан, “Навоий” ЭИИЗ ҳудудидаги Ўзбекистон-Корея корхоналарининг лойиҳалари молияланишини қўллаб-қувватлаш учун ОТБ Бошқарувчилари Кенгашининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 43-йиллик мажлисида Корея Эксимбанки билан 50 млн. АҚШ доллари қийматида имзоланган Қарз битими; инвестиция лойиҳаларини, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш учун ХХР раҳбариятининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи давомида 2010 йил 10-11 июнь кунларида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг саммитида Хитой Давлат тараққиёт банки билан 75 млн. АҚШ доллари қийматида имзоланган Қарз битими; “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари” авиакомпаниясининг лойиҳаси бўйича “Эйрбас Индастри” компанияси ишлаб чиқарган бешта А-320-200 русумли

Important role in foreign ties strengthening belongs to the optimization of Bank’s correspondent network comprising 657 banks, including 627 foreign banks from 75 countries of the world and 30 banks from Uzbekistan.

Being the member of many intergovernmental commissions, the National Bank represents the Republic of Uzbekistan in the issues of the attraction of funds from the foreign banks and financial institutions into Republican economy, improvement of entrancing operations, development of new directions of cooperation with foreign banks and etc.

Signing of bilateral agreements and memoranda allows expanding of mutually beneficial partnership relations with banks and financial institutions, rendering support to export-import trade operations within the framework of regional cooperation, implement large investment projects, financing small and private business projects, and promoting advanced training of the personnel of the Republic. It is worth mentioning such important documents like signing of the USD 50-million Loan Agreement with the Eximbank of Korea to support financing of the projects of the Uzbek-Korean enterprises in the ‘Navoi’ FIEZ territory during the 43rd Annual Meeting of the ADB Governors in Tashkent; Loan Agreement for the amount of USD 75 million with the State Development Bank of China to finance investment projects and small and private business projects signed during the official visit of the CPR leadership to the Republic of Uzbekistan during the Summit of the Council of the Heads of the States of Shanghai Organization of Cooperation in Tashkent on 10-11 June 2010; Loan Agreement on the financing of the acquisition of five airliners A-320-200 produced by the ‘Airbus Industry’ within the project of the ‘Uzbekistan Airways’ Company amounting to USD 179.3 million that was signed between the NBU and SDBC; signing of the ‘Memorandum of Understanding’ between the NBU and JBIC on future provision of JBIC credit line for the implementation of the FIEZ ‘Navoi’ projects, and also the Memorandum signed by the National Bank and the Islamic Institution of Research and Training envisaging arrangement of the awareness-raising seminar on the topic ‘Islamic Banking for the Financial Institutions of the Republic of Uzbekistan’.

In view of hosting the Annual Meeting of the Council of the ADB Governors in Tashkent on 1-4 May, the National Bank actively participated in the preparation and arrangement of this forum. In the course of the mentioned event, there was held



авиалайнер сотиб олинисини молиялаш юзасидан 179,3 млн. АҚШ доллари қийматида Ўзмилийбанк билан ХДТБ ўртасида имзоланган қарз битими; “Навоий” ЭИИЗда лойиҳаларни амалга ошириш учун келгусида ЖВБС томонидан кредит йўналиши тақдим этиш тўғрисида Ўзмилийбанк билан ЖВБС ўртасида имзоланган “Ҳамфикрлик меморандуми”; шунингдек Миллий банк билан Ислом Тадқиқотлар ва тренинг институти ўртасида имзоланган, “Ўзбекистон Республикасининг молия муассасалари учун Ислом банк иши” мавзуда таништирув семинари ўтказиш кўзда тутилган меморандумни шундай муҳим ҳужжатлар сирасига қўшиш мумкин.

2010 йил 1-4 май кунлари Тошкент шаҳрида ОТБ Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилиши ўтказилиши муносабати билан, Миллий банк мазкур инжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш ишларида фаол қатнашди. Юқоридаги тадбир давомида анжуманда қатнашаётган Осие банкчилари уюшмаси (ОБУ), JP Morgan Chase (АҚШ), Shinhan Bank (Корея), BCP (Швейцария), Raiffeisen Bank (Австрия), BNP (Франция), HSBC (Буюк Британия), SMBC (Япония), UBI Banca (Италия), Rabobank (Нидерландия), Unicredit Group (Италия), Bank Asya (Туркия), Banca Popolare di Vicenza (Италия), Banca UBAE (Италия), Commerzbank AG (Германия), Landesbank Berlin AG (Германия) каби етакчи банк-молия муассасалари билан бир қанча икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтди. Бунда мазкур ташкилотлар билан Ўзмилийбанк ўртасида бундан буён олиб бориладиган ҳамкорлик истикболлари муҳокама қилинди.

Миллий банк 2005 йилдан бери ШХТ Банклараро бирлашмасининг аъзоси ҳисобланади ва ўша вақтдан буён шу ташкилот аъзолари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда бирлашма доирасида олиб бориладиган барча тадбирларда қатнашиш юзасидан фаол иш юритилмоқда. 2010 йилда Миллий банк вакиллари қуйидаги тадбирларда иштирок этдилар: 1) ШХТ Банклараро бирлашмаси катта мансабдор шахсларининг йиғилиши. Унда ШХТ Банклараро бирлашмаси (ББ)нинг фаолияти билан боғлиқ бўлган, ШХТ ББнинг 2010 йил учун иш режаси, кузатувчи мамлакатлар билан ҳамкорлик, ШХТ Амалий Кенгаши билан ҳамжихатлик, ўқитиш ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик, ШХТ ББнинг

a number of bilateral meetings with the leading banking-and-finance institutes-participants of the forum, such as the Asian Bankers Association (ABA), JP Morgan Chase (USA), Shinhan Bank (Korea), BCP (Switzerland), Raiffeisen Bank (Austria), BNP (France), HSBC (United Kingdom), SMBC (Japan), UBI Banca (Italy), Rabobank (The Netherlands), Unicredit Group (Italy), Bank Asya (Turkey), Banca Popolare di Vicenza (Italy), Banca UBAE (Italy), Commerzbank AG (Germany), Landesbank Berlin AG (Germany); perspectives of further cooperation between the NBU and these organizations were discussed there.

Since 2005, the National Bank has been the member of the IBA SOC and actively worked on the strengthening of cooperation with the IBA SOC members and participation in all events held within the framework of the Association. In 2010, the NBU representatives took part in: 1) the Sitting of the Senior Officers of the IBA SOC which discussed the issues related to IBA SOC such as IBA SOC plan of actions for 2010, cooperation with the observer-countries, issue of cooperation with the SOC Business Council, cooperation in the field of training and education, course of implementation of IBA SOC priority projects; organization of the web-site and secured electronic system of IBA; 2) Sitting of the IBA SOC Coordinators that considered the issue of activation of multilateral financial cooperation within the IBA SOC framework. The parties emphasized the necessity of activation of the development of multilateral projects in SOC member-countries, including interbank lending within the Association and interaction with the SOC Business Council; it lead to the signing of the Protocol of the Coordinators' Sitting; 3) Sixth sitting of the IBA SOC represented by the State Development Bank of China (SDBC) that considered issues of further strengthening of multilateral and bilateral cooperation and new contribution to the support of the innovative development of SOC-member countries economies, further development of financing of large multilateral projects in the SOC region and expansion of the bilateral lending cooperation, as well as possibility of cooperation on the financial leasing operations.

The issue of the attainment and maintenance of high ratings from the leading international rating agencies is an actual and important condition for further successful integration of both the banking sector and the entire economy of the country with the

устувор лойиҳаларини амалга ошириш ишлари қандай бораётгани, Банклараро бирлашманинг веб-сайтини ҳамда ҳимояланган электрон тизимини ташкил этиш каби масалалар муҳокама қилинди; 2) ШХТ Банклараро бирлашмаси Мувофиқлаштирувчилари мажлиси. Унда ШХТ ББ доирасида кўп томонлама молиявий ҳамкорликни фаоллаштириш масаласи кўриб чиқилди. Томонлар ШХТга аъзо мамлакатларда кўп томонлама лойиҳалар, шу жумладан Бирлашма доирасида Банклараро кредитлаш ривожланишини фаоллаштириш ҳамда ШХТ Амалий Кенгаши билан ҳамжиҳат ишлаш зарурлиги таъкидланди. Йиғилиш якунлари бўйича Мувофиқлаштирувчилар мажлисининг баёни имзоланди; 3) ШХТ Банклараро бирлашмасининг Хитой Давлат тараққиёт банки (ХДТБ) раислигида бўлиб ўтган 6-мажлиси. Унда кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорликни янада кучайтириш, ШХТга аъзо мамлакатлар иқтисодиёти инновацион ривожланишини кўллаб-қувватлашга янги ҳисса қўшиш, шунингдек ШХТ минтақасидаги кўп томонлама йирик лойиҳалар молияланишини янада ривожлантириш ҳамда икки томонлама кредит ҳамкорлиги доирасини кенгайтириш зарурлиги масалалари, молиявий лизинг операциялари бўйича ҳамкорлик қилиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юксак баҳосини олиш ва сақлаб туриш масаласи банк секторининг ҳам, бутун мамлакат иқтисодиётининг ҳам халқаро молиявий-иқтисодий тизимга янада муваффақиятли қўшилиши учун долзарб ҳамда муҳим шарт ҳисобланади.

Миллий банкка нуфузли халқаро агентликларнинг рейтинглари берилиши танланган ривожланиш стратегияси тўғрилигини ҳамда Банкнинг ички ва ташқи бозорлардаги етакчилик мавқеини яна бир мартаба тасдиқлайди.

Айни рейтинг агентликлари ва халқаро ташкилотлар у ёки бу компаниянинг ҳолати ҳамда ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги ўз нуфузли фикрини билдирар экан, улар шу тариқа инвестиция муҳити шаклланишининг муҳим иштирокчиларига айланадилар.

Бугун Ўзмилийбанк мамлакатда Moody's, шунингдек Standard & Poor's каби халқаро агентликларнинг рейтингларига эга бўлган ва уларни дадил сақлаб турган кредит-молия муассасидир. Бу рейтинглар:


international financial-and-economic system.

Rating awards of the National Bank for FEA RUz by the authoritative international rating agencies is another proof of the correctness of the development strategy and confirmation of Bank's leading role in the internal and external markets.

These are the rating agencies and international organizations that by expressing their authoritative opinion on the position and development perspectives of this or that company become important participants of the investment climate formation.

Today, the National Bank for FEA RUz is the country's lending-and finance institute possessing and confidently maintaining ratings of such international agencies like Moody's and Standard & Poor's (see page 33).

Rating assessment shows the important role that the Bank plays in the national economy, in the attraction of foreign investments in the Republic and servicing of foreign trade operations.





Рейтинг агентлиги Rating Agency	Узоқ муддати рейтинг Long-term Rating	Прогноз Forecast
Moody's	Ba3	Барқарор Stable
Standard & Poor's	B	Барқарор Stable

Рейтинг баҳоси Банкнинг миллий иқтисодиётдаги, республикага хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда хорижий савдо операциялари бўйича хизмат кўрсатишдаги муҳим аҳамиятини намойиш этади.

Банкнинг кизгин фаолияти етакчи молия муассасалари томонидан эътиборсиз қолдирилмапти. Чунончи, Осиё ва Тинч океани минтақаси Тараққиёт молия муассасалари уюшмаси – АФИРАТО (ADFIAP)нинг 2010 йил 10-12 май кунлари Ванкувер шаҳрида (Канада) бўлиб ўтган 33-йиллик йиғилишида Миллий банкка “Инсон сармоясини ривожлантириш” тоифасида “Ўзмилийбанк Тошкент шаҳар бош бошқармасининг сифат менежменти тизими” лойиҳаси учун “АФИРАТО-2009” нуфузли мукофоти (1та ўрин) берилди. Ўзбекистон Миллий банки молия бозорининг эҳтиёжларига тезкорлик билан мослаша олиши, бизнесни олиб боришда қайишқоқ сиёсат юритиши, сифати халқаро стандартлар даражасига етказилган кенг доирадаги хизматларни таклиф этаётганлиги жаҳонга танилган ташкилот томонидан алоҳида эътироф этилди ҳамда бу қадар обрўли мукофот берилишига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, доимий равишда жўшқин ривожланаётган Миллий банк ўзининг банк хизматлари бозоридаги иштироки доирасини кенгайтирмоқда. Кенг қамровли вакиллик тармоғи операциялар географиясини кенгайтириш, республика корхоналари ва ташкилотлари билан уларнинг хорижий ҳамкорлари ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил этиш имконини бермоқда.

Active operation of the Bank is not left unnoticed by the leading financial institutions. Thus, at the 33rd Annual Meeting of the Asian Development Finance Institutes of Asia and the Pacific Ocean (ADFIAP) held in Vancouver (Canada) from 10 to 12 May 2010, the National Bank received the prestigious award “ADFIAP-2009“ (1st place) for the project “Quality Management System of the Main Department of the National Bank for FEA RUz for the Tashkent City” in “Human Capital Development” category. The skill of the National Bank of Uzbekistan to operatively respond to the needs of the financial market, implementation of the flexible policy of business operation and provision of the wide range of services the quality of which was brought to the level of the international standards has got the recognition of the world known organization and laid the ground for such a prestigious award.


Therefore, by its constant and dynamic development, the Bank expands its presence in the market of banking services. Multi-branched correspondent network allows to extend geography of operations, arrange settlements of the Republican enterprises and organizations with their foreign partners.

In the light of the dynamic development of the external links of the Republic, and thanks to the successful practice of conduct of international cooperation, the National Bank for Foreign Economic Activity occupied a strong position in the international arena as a reliable financial partner for many international banking institutes, government and public organizations of different countries and regions.




**КОРПОРАТИВ БАНК**

**CORPORATE BANKING**



**Миллий банк тизими бўйича умумий мижозлар базаси кенгайиши динамикаси**  
**Dynamics of the Expansion of the Clientele Base within the National Bank's Network**



### Корпоратив банк

#### Филиаллар тармоғи

Филиаллар тармоғини жўшқин ривожлантириш ва бошқариш Миллий банк фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Республика ҳудудида Ўз-миллийбанкка қарашли 87та мини-банк фаолият юритаяпти, аҳолидан тўловларни қабул қилувчи 101та ихтисослаштирилган касса ишлаб турибди. Мини-банклар ташкил этиш, аввало саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ҳамда ташкилотларининг иқтисодий фаоллигини оширишга, шунингдек хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг сифатли банк хизматларига бўлган талабини қондиришга қаратилган. Бундан ташқари, ривожланган мини-банклар тармоғи молия-кредит хизматлари бозорининг турли сегментларида банкнинг рақобат мавқеини мустаҳкамлаш имконини беради.

Банкнинг 90та бўлим ва филиаллари республиканинг барча минтақаларида жойлашган бўлиб, улар кенг доирадаги замонавий банк хизматлари тақдим этилишини таъминламоқда. Банк унинг муассасалари қаерда жойлашганидан қатъи назар уларнинг ҳар бирида мижозларга хизмат кўрсатиш стандарти энг юқори даражада бўлишига ва замонавий талабларга жавоб бера олишига эришиш учун бутун куч-ғайратини сарфламоқда. Энг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланилиши

### Corporate banking

#### Branch network

Dynamic development and management of branch network is the priority direction in the activity of the National Bank.

As of today, 87 mini-banks of the National Bank for FEA RUz and 101 specialized cash offices receiving payments from the population are operating in the Republican territory. Establishment of the mini-banks is, first and foremost, aimed at the activation of the economic activity of the enterprises and organizations engaged in industry, agriculture, trade and services, as well as development of private entrepreneurship and satisfaction of the demand of the population for the qualitative banking service. Besides this, the developed network of mini-banks allows to strengthen competitive positions of the Bank in different segments of the financial and lending services market.

Ninety (90) branches and affiliates of the Bank located throughout the Republican regions provide a wide range of modern banking services. The Bank takes all pains to make the client servicing standard maximally high and meet the modern requirements at any Bank's unit despite its location. Use of the most advanced information technologies makes the whole range of services provided by the Bank accessible to the clients. Thus, the uninterrupted operation of the branches promotes significant expansion of the clientele base every year. In 2010, the number of clients increased to 2374.5 thousand or



Номи Name	Банк даромади Bank's income			Банк харажатлари Bank's outcome			Банкнинг соф фойдаси Bank's net profit		
	Режа Planned	Амалда Actual	Бажарилиши, % Execution, %	Режа Planned	Амалда Actual	Бажарилиши, % Execution, %	Режа Planned	Амалда Actual	Бажарилиши, % Execution, %
Миллий банк National Bank	326 524,9	349 885,9	107,2%	297 817,2	319 597,9	109,1%	26 000,2	30 288,3	116,5%

филиалларнинг мижозлари Банк томонидан кўрсатилаётган барча турдаги хизматлардан фойдалана олишларини таъминлаш имконини берапти. Чунончи, филиаллар узлуксиз ишлаши мижозлар базасини йил сайин анча кенгайтириш учун имконият яратмоқда. 2010 йилда мижозлар сони 2374,5 мингтагача етди ёки аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 14,3% кўпайди (илгари 2077,5 мингта эди).

Банкни ривожлантиришнинг пухта ўйланган минтақавий сиёсати муайян минтақадаги банк хизматлари бозори билан боғлиқ вазиятни холисона баҳолаган ҳолда юритилаётганлиги Банкнинг барча филиаллари барқарор ишлашини таъминляпти. Уларнинг фаолияти асосий кўрсаткичлар ижобий томонга ўсиши билан ажралиб турибди.

Миллий банк филиаллар тармоғини бошқариш тизимида миқдорга нисбатан сифатни устун қўйиш принципи асос қилиб олинган. Шунга мувофиқ, Банк бизнеснинг бундан буёнги ривожланишини, ресурс базаси ўсишини, ҳозир ишлаб турган бўлинмаларда мижозларга хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш ишларини режалаштиради.

Банкнинг ўз ресурс базаси мавжудлиги, кредит портфели тўғри диверсификация қилингани, истикболли даромад манбалари чуқур ўрганилиши ҳамда мижозларнинг энг қаттиқ талабларига ҳам жавоб бера оладиган кенг доирадаги банк маҳсулотлари Банкка молия-кредит хизматлари бозорида пешқадамлик қилиб, бутун республика иқтисодий секторини ривожлантиришда кўмаклашиш имконини берапти.

Миллий банкнинг 2010 йилдаги асосий кўрсаткичлари (жадвалга қаранг).

by 14.3% compared with the same period of the past year (2077.5 thousands).

The thought-out and weighted regional development policy of the Bank combined with the objective assessment of the situation in the banking services market of a particular region ensures stable functioning of all branches of the Bank proved by the positive growth of their principal indicators.

The key principle guiding the branch network management system of the National Bank is the priority of qualitative development over the quantitative one. Following this, the Bank plans further development of business, buildup of the resource base, and improvement of forms and methods of client's servicing in the existing units.

Availability of the own resource base, correct diversification of the credit portfolio, deep study of the perspective sources of income and a wide range of banking products meeting the most severe requirements of the clients allow the Bank to occupy the position in the market of the financial-and-credit services that promotes development of the entire economic sector of the Republic.


Major performance indicators of the National Bank for 2010 (see above).

### Lending activity

Lending of the domestic enterprises was and is the general direction of the National Bank.

Following Bank's credit policy, the loans issued in 2010 were directed to the development of the priority branches of the economy, financing of the events concerned with the modernization of the operating and introduction of new high-efficiency production facilities, support of small business, creation and development of import-substitution production of the consumer goods based on the processing of local inputs.

**2010 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, кредит портфелининг тузилиши**  
Credit Portfolio Structure by 1 January 2011



38

### Кредит фаолияти

Мамлакат корхоналарини кредитлаш ҳамиша Миллий банк сиёсатининг бош йўналиши бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қоляпти.

Банкнинг 2010 йил учун ишлаб чиқилган кредит сиёсатига мувофиқ, берилган кредитлар иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва юксак самарали янги корхоналарни ишга тушириш чора-тадбирларини молиялашга, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий хом ашё ресурсларини қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари ишлаб чиқарилишини ривожлантиришга йўналтирилди.

2011 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Банк кредит портфелининг тузилиши куйидагича бўлди:

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзгеобурнефтгаз» МХК, Фарғона Фуранли бирикмалар кимё заводи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи УШК, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи УК, Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи, «General Motors Uzbeki-

As of 1 January 2011, the branch structure of Bank's Credit portfolio looks like the following:

Upon the results of 2010, the number of the largest borrowers comprised such enterprises and organizations like NAC "Uzbekistan Airways", SJSC "Uzbekenergo", Navoi SMC, JSC "Uzgeoburneftegas", NChC "Uzbekneftgas", Fergana Chemical Plant of Furan Compounds, UDP Fergana Oil Refinery, UE Bukhara Oil Refinery, Ministry of Agriculture and Water Resources, CJSC JV "General Motors Uzbekistan", Uzbekistan Temir Yullari, OJSC "Asl oina", JSC "Uztransgas".

To implement in 2010 key tasks of the State Program "The Year of the Harmoniously Developed Generation", namely continuation of the large-scale work on family strengthening, reinforcement of the care about young families, provision of their legal and social protection, creation of the conditions needed for the formation of the sound and solid family, the Bank continued to support the family institute that was started during the previous years.

To accomplish the tasks set up for the banks by the President of Uzbekistan, in 2010, the Bank carried out lending of the population, including provision of mortgage and consumer lending ensuring access to Bank's resources to young families, low



stan» ҚК ЁАЖ, “Ўзбекистон темир йўллари”, “Асл ойна” ОАЖ, “Ўзтрансгаз” АК каби корхона ва ташкилотлар 2010 йил якунлари бўйича энг йирик қарз олувчилардан бўлишди.

2010 йилда “Баркамол авлод йили” давлат дастурининг асосий йўналишларини амалга ошириш, хусусан оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, улар ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинишини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила ташкил топиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида мамлакатда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларни давом эттириш учун Банк аввалги йилларда оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича бошланган ишларни давом эттирди.

Ўзбекистон Президенти томонидан банклар олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Банк аҳолига кредитлар, шу жумладан ипотека ва истеъмол кредитлари бериб, ёш оилалар, аҳолининг кам таъминланган ва кенг қатламлари Банк ресурсларидан фойдаланишлари имкониятини яратди.

Хорижий банкларнинг такрор молияланган манбалари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш ва кредитлаш ишлари қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилди: ажратилган кредит йўналишларини ўзлаштириш ҳисобига лойиҳаларни молиялаш, янги кредит йўналишларини жалб этиш, лизинг шартномалари, факторинг операциялари бўйича хизматлар кўрсатиш, хорижий банкларнинг молиявий агенти функцияларини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига кирган лойиҳаларни молиявий таъминлаш.

### Лойиҳаларни молиялаш

Лойиҳаларни молиялаш банк фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири ҳисобланади. Миллий банк улкан иш тажрибасига эга. У аксарият йирик инвестиция лойиҳаларини ҳам, кичик бизнес лойиҳаларини ҳам молиялаш ташаббусқори бўлмоқда. Лойиҳалар молияланиши иқтисодиёт реструктуризацияланишини таъминлайди ҳамда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ва ўз харажатларини ўзи оқлаш принципларига асосланади.

Ҳозирги вақтда Миллий банк томонидан умумий қиймати 3,71 млрд. АҚШ долларини (эквивалентда) ташкил этувчи 114та инвестиция

income families and wide layers of the population.

The work on financing and crediting projects from the refinanced sources of the foreign banks was carried out in the following directions: financing of projects against utilization of the already allocated credit lines, attraction of new ones, servicing of leasing agreements, factoring operations, functioning as the financial agent of foreign banks and financial provision of the projects included in the Investment Program of the Republic of Uzbekistan.

### Project financing

Project financing is one of the most complicated types of banking. The National Bank has had great experience and acts as an organizer of financing for the majority of both large investment and small business projects. Project financing ensures restructuring of the economy and stands on the principles of efficiency and recoupment.

At present, the National Bank is servicing 151 credits for 114 investment projects totaling over USD 3.71 billion (in terms of the equivalent).

The volume of large investment projects approved for funding grew in view of the accomplishment of the governmental decisions on the accelerated implementation of the most important projects on modernization and refurbishment of production in the branches of the economy totaling the demand of over USD 1009 million (in terms of the equivalent).

The National Bank signed Loan Agreements with the State Development Bank of China for USD 75 million to finance small business projects and USD 179.38 million to finance “Uzbekistan Airways” project; with the bank Societe Generale (France) to finance the project of the State Personalization Center (biopassport); with the Eximbank of Korea to finance FIEZ “Navoi” projects for USD 50 million.

Besides that, the National Bank signed a number of Interbank agreements with the Bank of Tokyo Mitsubishi to provide settlement services to finance Talimardjan TES (SJSC “Uzbekenergo”) amounting to 27.426 billion Japanese Yen and the Korean Exchange Bank to provide settlement services on the privileged loan of USD 10 million issued by the Korean Government to Academician Vakhidov Cardiological Center.

National Bank’s experience in the interaction with the partners on the investment process testifies that there is a number of aspects requiring particular

лойиҳаси бўйича 151та кредит юзасидан хизмат кўрсатилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарини модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш билан боғлиқ энг муҳим лойиҳаларни тезлик билан амалга ошириш бўйича чиқарилган бир қанча ҳукумат қарорларини ижро этиш мақсадида молиялашга қабул қилинган йирик инвестиция лойиҳалари ҳажми анча ўсди ва уларнинг умумий кредит эҳтиёжи 1009 млн. АҚШ долларини (эквивалентда) ташкил этди.

Миллий банк томонидан кичик бизнес лойиҳаларини молиялаш учун 75 млн. АҚШ доллари ҳамда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” лойиҳасини молиялаш учун 179,38 млн. АҚШ доллари қийматида Хитой Давлат тараққиёт банки билан; шахсийлаштириш давлат маркази (биопаспорт) лойиҳасини молиялаш учун Сосьете Женераль банки (Франция) билан; «Навий» ЭИИЗ лойиҳаларини молиялаш учун 50 млн. АҚШ доллари ҳажмида Корея Эксимбанки билан қарз битимлари тузилди.

Бундан ташқари, Миллий банк бир қанча банклараро битимларни имзолади. Булар, хусусан “Толимаржон” ИЭС лойиҳасини молиялаш бўйича ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш учун 27,426 млрд. япон йенаси ҳажмида Банк оф Токио Митсубиси билан имзоланган битим (“Ўзбекэнерго” ДАК) ҳамда Корея ҳукумати томонидан Академик Воҳидов номидаги Кардиология марказига берилган 10 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги имтиёзли кредит бўйича ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш учун Корея Эксченж Банк билан тузилган битимдир.

Инвестиция жараёни бўйича шериклар билан ҳамжихатлик борасида Миллий банк томонидан тўпланган тажриба шундан далолат берадики, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда муваффақиятга эришиш учун бир қанча жиҳатлар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларга қатъий эътибор қаратиш зарур. Бу жиҳатларга биринчи навбатда инвестиция лойиҳаларини синчиклаб тайёрлаш ҳамда инвестициялар бозоридаги изчил ҳаракатлар дастури қиради.

### **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш**

Халқаро амалиёт, қолаверса Ўзбекистоннинг ўз тажрибаси ҳам миллий иқтисодиёт қарор топишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нақадар муҳим аҳамиятга эгаллигини

attention to achieve success in the implementation of the investment projects. First and foremost, we refer to a thorough preparation of the investment projects and a consistent program of operation in the investment market.

### **Lending of small and private businesses**

International practice and Uzbekistan’s own experience show how important is the role of small business and private entrepreneurship in the establishment of the national economy.

Intensive development of the private sector promotes leveling of territorial disproportions, improvement of population’s social conditions. Just small enterprises most flexibly respond to consumer demand changes, require less resources for the organization of their activity; they are able to change the profile of their activity rapidly and relatively painlessly based on the changes in the market conjuncture.

The state, in its turn, provides all necessary legal protection of entrepreneurship’s interests and strives to create a valid mechanism of permanent access to credit resources that can noticeably expand business horizons.

Small and private business development directly depends on the financial condition of the banking system.

Thus, loans issued by the National Bank give the chance to the thousands of entrepreneurs to organize their business and, simultaneously, promote creation of new job-places.

In course of financing, the National Bank attaches close attention to target utilization of the issued loans. To accomplish the setup tasks, the National Bank does not only utilize its own opportunities but also attracts assets of the international financial organizations.

In 2010, the National Bank selected 72 projects totaling USD 78.03 million to be financed by the foreign credit lines.

In particular, through the line of the Islamic Development Bank (IDB) aimed at the encouragement of development of the domestic sector of private and small businesses, the NBU has financed 2 projects totaling USD 2.87 million. This line is peculiar for the use of leasing as the mechanism of financing for small business enterprises. Machinery and technological equipment aimed at manufacturing various goods and services are provided on lease on behalf of the IDB. Besides leasing operations, the





кўрсатмоқда.

Хусусий сектор жадал ривожланиши худудий мувозанатсизликлар барҳам топишида, аҳолининг ижтимоий турмуш шароити яхшиланишида ёрдам беради. Ҳолбуки, айни кичик корхоналар истеъмол талаби ўзгаришига энг осон мослашади, ўз фаолиятини ташкил этиш учун камроқ ресурс талаб қилади, бозор конъюнктураси ўзгаришига қараб ўз иш йўналишини тез ҳамда нисбатан оғриксиз ўзгартиришига қодир.

Ўз навбатида, давлат тадбиркорларнинг манфаатлари зарур тарзда ҳуқуқий муҳофаза қилинишини таъминлашти ҳамда улар кредит ресурсларидан доимий равишда фойдалана олишининг таъсирчан механизмини яратишга интилоқда. Натижада бизнес микёс сезиларли даражада кенгаймоқда.

Кичик ва хусусий бизнес соҳаси ривожланиши банк тизимининг молиявий аҳволига бевосита боғлиқдир.

Чунончи, Миллий банк томонидан берилган кредитлар минглаб тадбиркорларга ўз бизнесини ташкил этиш имкониятини очаяпти ва айни вақтда янги иш ўринлари яратилишида кўмаклашмоқда.

Молиялаш чоғида Миллий банк берилган кредитлардан мақсадли фойдаланиш масаласига катта эътибор қаратмоқда. Қўйилган вазифаларни бажариш учун Миллий банк ўз имкониятларидангина фойдаланиб қолмасдан, айни пайтда халқаро молия муассасаларининг маблағларини жалб этапти.

Миллий банк 2010 йилда хорижий кредит линияларининг маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 78,03 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 72та лойиҳани молиялашга қабул қилди.

Хусусан, асосий мақсади мамлакат хусусий сектори ва кичик бизнеси ривожланишини рағбатлантиришдан иборат бўлган Ислоҳ Тараққиёт банки (ИТБ) йўналиши бўйича Ўзмилийбанк томонидан жами 2,87 млн. АҚШ доллари қийматидаги 2та лойиҳа молияланди. Ушбу йўналишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда кичик бизнес корхоналарини молиялаш механизми – лизингдан фойдаланилади. ИТБ номидан турли товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган машиналар ҳамда технологик ускуналар лизинг йўли билан берилмоқда.

installment-selling mechanism and Istina are used within the framework of this credit line.

Fifty projects totaling USD 17.1 million have been financed at the expense of the second credit line of the SDBC. Following the terms and conditions of the Credit Agreement signed between the National Bank for FEA RUz and SDBC, credits are issued to finance projects aimed at the creation, modernization and expansion of the industrial capacities or companies including acquisition of the imported raw materials and inputs.

Fifteen projects totaling USD 5.08 million have been financed at the expense of the third credit line of the SDBC.

Five projects totaling USD 52.97 million have been financed by the credit line of the Eximbank of Korea.


Volume of the loans in terms of the national currency to small business entities issued by the National Bank from its own assets in the reporting period made up 346.7 billion Soum.

Upon the results of 2010, volume of the credits issued at the expense of the extra-budgetary funds through the National Bank made up 2.0 billion Soum (of which at the expense of the Employment Fund 995.2 Soum, at the expense of the Fund of Support of Dehkan and Farming Entities – 1065.6 million Soum).

In 2010, the National Bank actively participated in micro-crediting individual entrepreneurs, dehkans and farming entities, and other small businesses operating both as legal entities and without formation of legal entities. These credits are aimed at the development of the manufacturing areas of production, servicing and construction. As of 01.01.2011, branches and affiliates of the National Bank issued over 4.2 thousand micro-credits amounting to about 44.2 billion Soum at the expense of all lending sources.

In view of the execution of the Presidential Resolution № 308 dated 23 March 2006 “On the Measures of the Encouragement of the Increase of Livestock Capita in the Private Plots, Dehkan and Farming Entities”, the National Bank has allocated micro-credits amounting to 6.2 billion Soum, that makes up 101.6% of the planned indicator (6.1 billion Soum).

After positive initial experience of independent entrepreneurship activity, micro-credit clients of the National Bank receive a powerful impetus for enlargement and transition from small business to the organization of larger production facilities.



Ушбу кредит йўналиши доирасида лизинг операцияларидан ташқари, ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш ва “истисно” механизми қўлланилаяпти.


ХДТБнинг иккинчи кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 17,1 млн. АҚШ доллари бўлган 50та лойиҳа молияланди. Ўзмилийбанк билан ХДТБ ўртасида имзоланган Кредит битими шартларига мувофиқ, кредитлар саноат ва ишлаб чиқариш қувватлари ёки компанияларини вужудга келтириш, модернизациялаш ҳамда кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни, жумладан импорт қилинадиган хом ашё ва материаллар сотиб олинишини молиялаш учун ажратилаяпти.

ХДТБнинг учинчи кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан умумий суммаси 5,08 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган 15та лойиҳа молиялаштирилди.

Корея Эксимбанкнинг кредит йўналиши маблағлари ёрдамида 52,97 млн. АҚШ долларидан иборат умумий қийматга эга бўлган 5та лойиҳа молиялаштирилди.


Ҳисобот даврида Миллий банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига, миллий валютада берилган кредитлар ҳажми 346,7 млрд. сўмни ташкил этди.

2010 йил якунлари бўйича Миллий банк орқали бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан берилган кредитлар ҳажми 2,0 млрд. сўм, шу жумладан Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан – 995,2 млн.



**Кичик бизнес бўйича кредитлар тармоқ тузилиши  
(миллий валютада)**

Sectoral structure of Loans to Small Business  
(national currency)




сўм, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилгани 1065,6 млн. сўмни ташкил этди.

Миллий банк 2010 йилда юридик шахс мақомини олган ҳолда ва бундай мақом олмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, бошқа кичик бизнес субъектларига микрокредитлар беришда ҳам фаол қатнашди. Ушбу микрокредитлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди. 2011 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Миллий банк бўлимлари ва филиаллари барча кредитлаш манбалари ҳисобидан жами қарийб 44,2 млрд. сўмлик 4,2 мингдан зиёд микрокредитлар ажратди.

ЎзР Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 23 мартдаги 308-сон Қарорини бажариш мақсадида, Миллий банк томонидан 6,2 млрд. сўм ҳажмида микрокредитлар берилди. Бу эса, режа кўрсаткичининг 101,6%ни ташкил этади (6,1 млрд. сўм).

Миллий банк микрокредитларидан фойдаланган мижозлар мустақил тадбиркорлик фаолияти бўйича дастлабки ижобий тажрибани тўллағач, ишни йириклаштириш ва майда бизнесдан йирикроқ ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишга ўтиш учун кучли рағбатни ҳис қиладилар.






**ЧАКАНА БАНК**

**RETAIL BANKING**



**Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари  
ҳажми ўсиши динамикаси (млрд. сўм)**

Dynamics of Individual Deposit Volumes in Terms of National Currency (billion Soum)



46

**Чакана банк**

Ўзбекистоннинг энг йирик универсал тижорат банки ҳисобланувчи Миллий банк анчагина кенг филиаллар тармоғига эга. Банк ушбу тармокни шакллантира бошлаган 1998 йилдан буён чакана бизнесни тараккий эттириш билан аниқ мақсадли шуғулланмоқда.

Миллий банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири аҳолининг бўш маблағларини омонатларга жалб этишдан иборат. Ушбу соҳада олиб борилаётган иш Банк учун иқтисодийнинг устувор тармоқларини кредитлашда фойдаланиладиган барқарор ресурс базасини шакллантиришдагина эмас, омонатчилар қўшимча даромадлар олишида ҳам ёрдам берапти.

**Омонат операциялари**

Жисмоний шахсларнинг депозитлари ҳажми ва мижозлар базаси доимий равишда ўсаётганлиги Банкка кейинги ўн йил мобайнида омонатлар бозорида пешқадамликни сақлаб туриш имконини бермоқда.

Чакана мижозлар билан ишланаётган вақт ичида аҳоли омонатларининг сўм эквивалентидаги қолдиғи деярли 20 баравар ортиб, 2011 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 348,9 млрд. сўмни ташкил этди. Фақат 2010 йилнинг ўзида жисмоний шахсларнинг депозитларидаги маблағлар қолдиғи 53,1 млрд. сўм кўпайиб, миллий валютадаги депозитлар бўйича 239,2 млрд. сўмни ва хорижий валютадаги депозитлар бўйича 109,7 млрд. сўм ёки 66,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

**Retail banking**

Being the largest universal commercial bank of Uzbekistan, the National Bank possesses an adequately spread branch network; in the course of its formation since 1998, it has been targetedly involved in the development of the retail business.

Attraction of the free assets of the population to the deposits is one of its major areas of operation. Active work in this area does not only promote formation of the stable resource base for the Bank to be used for lending priority branches of the economy, but also acquisition of the additional returns by the depositors.

**Deposit operations**


Deposit volume of individuals and constant growth of the clientele base gives the Bank the opportunity to keep the lead in the deposit market for the past ten years.

While working with the retail clientele, the population's Soum equivalent of the deposit balance has grown by almost 20 times and by 1 January 2011 has made up 348.9 billion Soum. Only for 2010, balance on the individual deposits grew by 53.1 billion Soum and made up 239.2 billion in terms of national currency and 109.7 billion Soum or USD 66.9 million on foreign currency deposits.

Number of depositors possessing accounts in terms of national and foreign currencies has grown by almost 14 times, of which during 2010 by 373 thousand and by 1 January 2011 made up almost 2.4 million evidencing on the confidence of the people not only in our Bank as an institute utilizing their money for the development of the economy or social programs, guar-



**Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги депозитлари ҳажми ўсиши динамикаси (млн. АҚШ доллари эквивалентида)**  
Dynamics of Individual Deposit Volumes in Terms of Foreign Currency (equivalent of USD million)



Миллий ва хорижий валюталардаги ҳисобварақлари бор омонатчилар сони деярли 14 баравар кўпайди, шу жумладан 2010 йилда 373 минггага ортиди ва 2011 йил 1 январдаги ҳолатга кўра деярли 2,4 миллионга бўлди. Бу эса, одамларда уларнинг пулларидан, масалан, иқтисодий ривожлантириш ёки ижтимоий дастурларни амалга оширишда фойдаланувчи, бу пуллар қайтарилиши ва улар бўйича фойзалар тўланишини кафолатловчи муассаса сифатида бизнинг банкимизгагина эмас, бутун давлатга ҳам ишонч ортанлигидан далолат беради.

Миллий банк ўз мижозларига доимий асосда шартлари ҳамда муддатлари турлича бўлган миллий ва хорижий валюталардаги хилма-хил депозитлар рўйхатини таклиф этмоқда. Бунда жамиятнинг ижтимоий ва ёшга доир тоифалари ҳам ҳисобга олинапти.

2010 йил мобайнида депозитларнинг 13та янги тури ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Хусусан, болалар учун мўлжалланган миллий валютадаги “Нихол” ва хорижий валютадаги “Бойчечак” омонатлари, шунингдек 35га тўлмаган ёшлар учун “Баркамол авлод” омонати шулар жумласидандир. АҚШ доллари, Евро ва Англия фунт стерлингида очиладиган, сақлаш муддати 13 ойни, фойз ставкаси йиллик 8%ни ташкил этадиган, омонат қолдиғини юқоридаги уч валютадан исталган бирига конвертациялаш имкони бериладиган “Привилегия” мультивалюта омонати яна амалга киритилди.

Чакана хизматларни ривожлантириш

anteing their return and payment of interests on them, but also to the state on the whole.

The National Bank on the constant basis offers its clients a diverse range of the deposits in terms of national and foreign currencies on different terms and conditions considering social and age categories of the society.


Within 2010, there were developed and introduced 13 new deposits including deposits for children “Nihol” in national currency and “Boichechak” in foreign currency, as well as “Barkamol Avlod” deposit for youth under the age of 35. The multi-currency deposit “Privilege” has been restored in USD and British Pound Sterling with the maturity of 13 months and interest rate of 8% per annum and opportunity of conversion of the deposit balance into any of the three mentioned currencies.

Successful implementation of the retail services development policy approved for 2010 allowed the National Bank to win the competition on the attraction of population’s deposits annually held in the Republic between the commercial banks following the Resolution of the President of the country № PP-991 dated 31 October 2008; it became the prize winner in major nominations: “The Best Bank of the Year in Attracting Population’s Deposits” - the first place, “The Best Branch of the Year in Attracting Rural Population’s Deposits” (Denauss Branch of the National Bank) – the second place, and win the additional nomination “The Best Foreign Currency Savings Deposit”.

Along with the attraction of the deposits, the Bank receives from the population utility services and

Халқаро пул жўнатмалари тизимлари бўйича бажарилган операциялар ҳажмларининг динамикаси (млн. АҚШ доллари)

Dynamics of Volumes of Operations through International Money Transfer Systems (USD million)



соҳасида 2010 йил учун тасдиқланган сиёсат муваффақиятли амалга оширилиши Миллий банкка мамлакат Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги ПК-991 сонли Қарорига мувофиқ, республикада ҳар йили тижорат банклари ўртасида аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича ўтказиладиган танлов ғолиби бўлиш ҳамда “Аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши банки” номинациясида биринчи ўринни, “Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши филиали” номинациясида иккинчи ўринни эгаллаш (Миллий банк Денов филиали) ва “Хорижий валютадаги энг яхши жамғарма депозити” қўшимча номинациясида ғолиб чиқиш имконини берди.

Омонатларни жалб этиш билан бир вақтда Банк томонидан ихтисослаштирилган кассалар тармоғи орқали коммунал ва бошқа хизматлар хақини аҳолидан қабул қилиш операциялари ҳам бажарилаяпти. 2011 йил 1 январдаги ҳолатга қўра

other payments through the network of specialized cash desks; their number by 1 January 2011 has made up 101 and 10 minibanks. In 2010, about 131.5 billion Soum were received as utility and other payments, i.e. by 1.4 times more than in 2009.

Besides interbank transfers, the Bank also offers individuals express money transfers carried out through the international systems.

The Bank started its operation in the express money transfer market after signing agreement on cooperation with the “Western Union” Company. At present, the Bank besides carrying out operations through this system also renders services on receiving and sending non-trade transfers of the individuals through such systems like “Express Post”, “Migom” and “Asia Express”, including corresponding bank networks “CONTACT” and “Leader”.

While operating, client servicing points carried out 1 million 250 thousand operations amounting to over USD 778 million, of which number of opera-





Миллий банк тизимида 101та ихтисослаштирилган касса ва 10та мини-банк ишлаб турган эди. 2010 йилда коммунал ва бошқа хизматлар ҳақи сифатида қарийб 131,5 млрд. сўм қабул қилинди. Бу эса, 2009 йилдагига нисбатан 1,4 баравар кўп.

